

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„3“ апрель 2018 й. т. № 258

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги
фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, улар билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида бозор механизмлари жорий қилиниши натижасида ерга бўлган муносабат ўзгарди.

Фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги ҳамда даромадлари ошиб бориши билан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва турлари ортиб, сифати бир мунча яхшиланди.

Шу билан бирга, соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотларга қарамасдан, сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг фаолиятида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги уларнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлирида қишлоқ хўжалиги экинларини жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиқиб жойлаштириш механизми мавжуд эмаслиги маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва экспортга чиқариш имкониятларининг пасайишига сабаб бўлмоқда;

худудлардаги қайта ишлаш корхоналарининг қувватлари, ички ва ташқи бозор талаби ва маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг ҳисобга олинмаслиги маҳсулот етиштириш ҳажмларини қўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

ташқи бозорнинг хўл ҳолатда экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини ўрганишда замонавий маркетинг ёндашуви йўлга кўйилмаган;

худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган экспортбоп ва рақобатбардош экинлар уруғларини етиштириш, касаллик ҳамда заараркунандаларга қарши курашишда илмий ва инновацион ёндашув тизими мавжуд эмас;

фермер хўжаликлири томонидан уларга ажратиб берилган ер участкаларини қонун хужжатлари талабларига зид равишда бошқа шахсларга ижарага бериш ҳолатлари қўпайиб бориши оқибатида ерлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетмоқда;

сабзавот, полиз, картошка ва дуккакли экинларни экиш ва етиштиришда ханузгача эски технологиялардан фойдаланилмоқда, интенсив технологияларни жорий этишга етарли эътибор берилмаслиги оқибатида экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиб, маҳсулотлар таннархи ошиб бормоқда;

бир йиллик ва кўп йиллик қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштиришда даромад олишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти, етиштирилган маҳсулотларни сотишдан тушадиган нақд пул маблағларининг ҳисоб-китобини юритиш тизими тўлиқ шаклланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3574-сон қарори ижросини таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг таклифлари асосида озуқа ва мойли экинлар ҳамда сабзавот, полиз экинларини оқилона жойлаштириш, интенсив мевали боғ ва токзорлар ташкил этишга илмий, инновацион ёндашув механизмларини жорий этиш ва экин ерларидан даромад олишда туманларнинг сектор раҳбарлари ва фермер хўжаликларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда соҳага оид қайта ишлаш, тайёрлов ва экспортёр корхоналарнинг таклифларини инобатга олиб, қуйидагилар:

Ер шароити ва сув таъминоти оғир, паст рентабелли, охирги уч йилда пахта ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган, пахта ва ғалла жойлаштирилмайдиган майдонлар кўрсаткичи 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар кўрсаткичлари 2 ва 2.1–2.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда асосий майдонларга, боғ ва ток қатор ораларига ҳамда ғалладан бўшайдиган майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 3 ва 3.1–3.13, 4 ва 4.1–4.13, 5 ва 5.1–5.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда асосий майдонлар, боғ ва ток қатор оралари ҳамда ғалладан бўшайдиган майдонларда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичлари 6 ва 6.1–6.2-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 7 ва 7.1–7.5-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда асосий майдонлар, боғ ва ток қатор оралари ҳамда ғалладан бўшайдиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёқилғимойлаш материаллари ҳажмлари ва маблағлари ҳисоб-китоби 8-иловага мувофиқ;

Экиш учун тавсия этиладиган серҳосил ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва навлари рўйхати 9-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш схемаси 10-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш схемаси 11-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш схемаси 12-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларида (пахта ва ғалла майдонларидан ташқари) агротехник тадбирларни ўтказиш учун шакллантириладиган “кафолат маблағлари”нинг прогноз кўрсаткичлари 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ушбу қарорга 1-иловадаги ер майдонларига пахта ва ғалла экинларини жойлаштираслик бўйича қатъий огоҳлантирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

агротехник тадбирларни ўтказиш муддатидан келиб чиқсан ҳолда, “кафолат маблағлари” ҳар йили 10 марта қадар 30 фоиз, 1 апрелга қадар 50 фоиз ва 1 июнга қадар 100 фоиз микдорда фермер хўжаликларининг ўз маблағлари, қайта ишлаш, тайёрлов ва экспортёр корхоналарнинг аванс маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва маҳсулот сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобидан шакллантирилади;

“кафолат маблағлари” туман ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган меъёrlар асосида агротехник тадбирларга (биринчи навбатда, уруғлик, кўчат етиштириш, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва иш ҳақи) олдиндан тўлов учун йўналтирилади;

сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига ажратиладиган минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари экин тури, майдони ва ўтказиладиган агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиқсан ҳолда туман ҳокимлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

3. Тижорат банкларига фермер хўжаликларини аванс маблағлари билан таъминлаш учун қайта ишлаш, тайёрлов ва экспортёр корхоналарга, шунингдек, сабзавот, полиз, картошка, мойли ва дуккакли экинларни етиштириш учун фермер хўжаликларига тижорат кредитлари ажратиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, ушбу мақсадларда ажратиладиган тижорат кредити фоиз ставкасининг беш фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан қоплаб берилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва экспортёр корхоналарга экспортбоп экинларни экиш ва уларни қайта ишлаш ёки экспорт қилиш шарти билан белгиланган тартибда ер майдонларини ажратсин;

фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган нақд пул маблағларини тижорат банкларига кирим қилиниши чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти ўн кун муддатда мева-сабзавот, узум, полиз ва дуккакли дон маҳсулотларининг турлари бўйича етиштириш таннархидан келиб чиқиб, маҳсулот етиштирувчиларнинг рентабеллигини инобатга олган ҳолда ушбу маҳсулотлар хариди учун ўртacha тавсиявий нархларни ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, мева-сабзавот, узум, полиз ва дуккакли дон маҳсулотларининг нархи харид қилиш вақтидаги бозор қийматидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимларини “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти ва бошқа буюртмачилар билан биргаликда:

қайта ишлаш, тайёрлов ва экспортёр корхоналар томонидан фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича ўн беш кун муддатда шартномалар тузилишини ва уларнинг рўйхатдан ўтказилишини;

фермер хўжаликлари серҳосил ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун талаб этиладиган уруғларнинг белгиланган муддатларда етказиб берилишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларига:

туманлардаги сектор раҳбарлари бошчилигига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш ва тузилган шартномаларнинг бажарилишини ташкил этиш бўйича бир ҳафта муддатда ишчи гурухларни шакллантириш;

асосий майдонларга ҳамда боғ ва ток қатор ораларига жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз муддатида экилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорларни касалликлар, зааркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун талаб этиладиган кимёвий препаратлар захирасини яратиш ёа агрокимё хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

вегетация даврида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш ва суғоришни ташкил этишда фермер хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини бир ой муддатда 14-иловада белгиланган туманларда сабзавот ва полиз экинлари уруғлари ҳамда ток кўчатларини етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги экинлари уругларини сифатини назорат қилиш ва сертификатлаш маркази четдан сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар уруғлари ҳамда мевали ва ток кўчатларини олиб келишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилган навларини олиб келиш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т. Мирзаев, Н.С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
1-илова

**Ер шароити ва сув таъминоти оғир, паст рентабелли, охирги уч йилда пахта ҳосилдорлиги
15 центнердан кам бўлган, пахта ва ғалла жойлаштирилмайдиган майдонлар
КЎРСАТКИЧИ**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Фермер хўжаликлари сони | Контурлар сони | Кам ҳосилли ер майдони (га) | Шундан | | | |
|-------------|------------------------------|-------------------------|----------------|-----------------------------|--------------------|-------------------------|---|--|
| | | | | | сув таъминоти оғир | шўрланиш даражаси юкори | ер ости сизот сувлари яқин (ботқоқлашган) | нокулай тупроқ шароити (тупроқ унумдорлиги паст, қумли ва шағалли) |
| 1. | Қорақалпогистон Республикаси | 929 | 1116 | 2 909 | 425 | 1944 | 415 | 125 |
| 2. | Андижон | 316 | 764 | 5 209 | 736 | 1705 | 241 | 2527 |
| 3. | Бухоро | 279 | 914 | 3 800 | 913 | 1581 | 204 | 1102 |
| 4. | Жиззах | 395 | 531 | 6 000 | 1722 | 3378 | 255 | 645 |
| 5. | Қашқадарё | 553 | 878 | 10 000 | 5408 | 531 | 258 | 3803 |
| 6. | Навоий | 31 | 46 | 512 | 256 | 32 | | 224 |
| 7. | Наманган | 689 | 1742 | 11 294 | 5641 | 2286 | 315 | 3052 |
| 8. | Самарқанд | 288 | 412 | 3 220 | 1351 | | 263 | 1606 |
| 9. | Сурхондарё | 784 | 2065 | 16 222 | 5054 | 823 | 2052 | 8293 |
| 10. | Сирдарё | 1382 | 1790 | 20 143 | 3027 | 5082 | 4245 | 7789 |
| 11. | Тошкент | 461 | 2682 | 7 899 | 1048 | | 2063 | 4788 |
| 12. | Фаргона | 711 | 1378 | 8 120 | 2517 | 2032 | 1042 | 2529 |
| 13. | Хоразм | 242 | 916 | 4 043 | 915 | 2022 | 318 | 788 |
| Жами | | 7060 | 15234 | 99371 | 29013 | 21416 | 11671 | 37271 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” апрелдаги 258-сон қарорига
2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

гаектар

| Т/р | Худудлар номи | Жами экин майдони | Шундан | | | | |
|-------------|------------------------------|-------------------|--|---|--|--|---|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладанқисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 46 868 | 4 000 | 2 909 | 11 970 | 2 989 | 25 000 |
| 2. | Андижон | 101 908 | 8 400 | 5 209 | 4 793 | 11 443 | 72 063 |
| 3. | Бухоро | 73 766 | 8 300 | 3 800 | 5 185 | 7 311 | 49 170 |
| 4. | Жиззах | 102 233 | 15 400 | 6 000 | 2 359 | 6 806 | 71 668 |
| 5. | Қашқадарё | 74 860 | 12 600 | 10 000 | 7 500 | 8 870 | 35 890 |
| 6. | Навоий | 40 961 | 2 000 | 512 | 2 297 | 3 646 | 32 506 |
| 7. | Наманган | 107 958 | 8 200 | 11 294 | 1 237 | 17 567 | 69 660 |
| 8. | Самарқанд | 160 158 | 12 200 | 3 220 | 49 681 | 20 318 | 74 739 |
| 9. | Сурхондарё | 126 696 | 27 800 | 16 222 | 11 503 | 12 585 | 58 586 |
| 10. | Сирдарё | 116 749 | 15 800 | 20 143 | 342 | 3 964 | 76 500 |
| 11. | Тошкент | 168 495 | 10 800 | 7 899 | 18 040 | 20 806 | 110 950 |
| 12. | Фарғона | 144 321 | 9 800 | 8 120 | 6 030 | 26 971 | 93 400 |
| 13. | Хоразм | 54 296 | 5 200 | 4 043 | 6 765 | 5 088 | 33 200 |
| Жами | | 1 319 269 | 140 500 | 99 371 | 127 702 | 148 364 | 803 332 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.1-илова

**Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | гаектар |
|-------------|---------------|--------------|---|---|--|--|---|---------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Хосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Тўрткўл | 4676 | 1004 | 300 | 1143 | 443 | 1784 | |
| 2. | Беруний | 5750 | 432 | 200 | 2860 | 514 | 1745 | |
| 3. | Элликқалъа | 4358 | 334 | 300 | 1710 | 448 | 1567 | |
| 4. | Амударё | 4270 | 280 | 200 | 1710 | 566 | 1515 | |
| 5. | Тахиатош | 838 | 315 | 45 | 140 | 69 | 269 | |
| 6. | Хўжайли | 2022 | 43 | 165 | 405 | 118 | 1291 | |
| 7. | Шуманай | 2677 | 107 | 477 | 300 | 63 | 1730 | |
| 8. | Қонликўл | 2756 | 281 | 140 | 270 | 88 | 1977 | |
| 9. | Қўнғирот | 2872 | 106 | 173 | 470 | 98 | 2025 | |
| 10. | Нукус | 5663 | 450 | 10 | 1785 | 198 | 3220 | |
| 11. | Кегейли | 2773 | 152 | 280 | 330 | 115 | 1896 | |
| 12. | Чимбой | 2866 | 136 | 274 | 334 | 122 | 2000 | |
| 13. | Қораўзак | 2492 | 94 | 192 | 250 | 104 | 1852 | |
| 14. | Тахтакўпир | 2612 | 266 | 153 | 200 | 33 | 1965 | |
| 15. | Муйноқ | 237 | | | 63 | 11 | 164 | |
| Жами | | 46868 | 4000 | 2909 | 11970 | 2989 | 25000 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” апрелдаги 258-сон қарорига
2.2-илова

**Андижон вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Хосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Андижон | 6428 | 665 | 100 | 383 | 2136 | 3432 | |
| 2. | Асака | 7315 | 130 | | 2484 | 943 | 3722 | |
| 3. | Балиқчи | 8075 | 325 | | 100 | 338 | 7096 | |
| 4. | Булоқбоши | 4041 | 350 | | 62 | 448 | 2985 | |
| 5. | Бўз | 5586 | 460 | 906 | 121 | 170 | 4968 | |
| 6. | Жалолқудук | 9911 | 715 | 916 | 391 | 1029 | 6433 | |
| 7. | Избоскан | 8078 | 450 | 91 | 221 | 658 | 6275 | |
| 8. | Улуғнор | 6215 | 1659 | 1556 | 240 | 277 | 4860 | |
| 9. | Марҳамат | 6462 | 735 | 356 | 29 | 851 | 4831 | |
| 10. | Олтинқўл | 5256 | 400 | 41 | 46 | 637 | 4480 | |
| 11. | Пахтаобод | 8331 | 396 | 118 | 206 | 738 | 6181 | |
| 12. | Хўжаобод | 7164 | 844 | | 66 | 1255 | 2268 | |
| 13. | Шахрихон | 8176 | 692 | 86 | 114 | 698 | 6699 | |
| 14. | Кўргонтепа | 10871 | 580 | 1039 | 330 | 1265 | 7833 | |
| Жами | | 101908 | 8400 | 5209 | 4793 | 11443 | 72063 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.3-илова

**Бухоро вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/р | Туман (шахар)лар номи | Жами майдон | Шундан | | | | |
|-------------|-----------------------------|----------------|---|---|--|---|--|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган екин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалик- ларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги екин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий екин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон |
| 1. | Бухоро | 9104 | 2603 | 220 | 817 | 1295 | 4200 |
| 2. | Вобкент | 6661 | 380 | 95 | 243 | 530 | 5396 |
| 3. | Жондор | 7938 | 870 | 570 | 771 | 1001 | 4676 |
| 4. | Когон | 5429 | 428 | 480 | 297 | 335 | 3891 |
| 5. | Қоракўл | 6839 | 760 | 515 | 610 | 361 | 4610 |
| 6. | Қоровулбозор | 5178 | 410 | 40 | 252 | 76 | 4407 |
| 7. | Олот | 5352 | 470 | 245 | 345 | 173 | 4115 |
| 8. | Пешку | 6470 | 567 | 510 | 504 | 717 | 4156 |
| 9. | Ромитан | 6544 | 392 | 315 | 276 | 663 | 4865 |
| 10. | Шофиркон | 7667 | 770 | 415 | 583 | 1033 | 4945 |
| 11. | Ғиждувон | 5753 | 400 | 395 | 333 | 945 | 3654 |
| 12. | Бухоро шаҳар | 831 | 250 | | 154 | 182 | 256 |
| Жами | | 73766 | 8300 | 3800 | 5185 | 7311 | 49170 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” апрелдаги 258-сон қарорига
2.4-илова

**Жиззах вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

гаектар

| T/p | Туман (шахар)лар номи | Жами майдон | Шундан | | | | |
|-------------|-----------------------------|----------------|---|---|--|---|--|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган екин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалик- ларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги екин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий екин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон |
| 1. | Ш.Рашидов | 9514 | 750 | 400 | 223 | 661 | 7480 |
| 2. | Зомин | 9264 | 3600 | | 650 | 1249 | 3765 |
| 3. | Зарбдор | 22028 | 2300 | 3000 | 295 | 290 | 16143 |
| 4. | Дўстлик | 10116 | 300 | | | 328 | 9488 |
| 5. | Мирзачўл | 9986 | 650 | 400 | 195 | 450 | 8291 |
| 6. | Арнасой | 11490 | 2950 | 1500 | 253 | 198 | 6591 |
| 7. | Зафаробод | 11425 | 1400 | 500 | 244 | 321 | 8960 |
| 8. | Пахтакор | 10477 | 950 | 200 | | 27 | 9300 |
| 9. | Бахмал | 3065 | 800 | | 350 | 1065 | 850 |
| 10. | Ғаллаорол | 3600 | 1200 | | | 1600 | 800 |
| 11. | Фориш | 126 | | | 104 | 22 | |
| 12. | Янгиобод | 1095 | 500 | | | 595 | |
| 13. | Жиззах шаҳар | 45 | | | 45 | | |
| Жами | | 102231 | 15400 | 6000 | 2359 | 6806 | 71668 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.5-илова

**Қашқадарё вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/р | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|--------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Хосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Ғузор | 7705 | 1300 | 4400 | 200 | 245 | 1560 | |
| 2. | Дехқонобод | 75 | | | | 76 | | |
| 3. | Қарши | 6035 | 1200 | 350 | 420 | 530 | 3535 | |
| 4. | Косон | 6625 | 1600 | 500 | 410 | 290 | 3825 | |
| 5. | Қамаши | 4811 | 800 | 500 | 625 | 426 | 2460 | |
| 6. | Китоб | 4544 | | | 675 | 2059 | 1810 | |
| 7. | Миришкор | 11058 | 2300 | 1200 | 2100 | 458 | 5000 | |
| 8. | Муборак | 3378 | 950 | 350 | 350 | 148 | 1580 | |
| 9. | Нишон | 7063 | 1150 | 1100 | 360 | 373 | 4080 | |
| 10. | Касби | 6331 | 900 | 500 | 360 | 421 | 4150 | |
| 11. | Чироқчи | 5512 | 1000 | 800 | 400 | 962 | 2350 | |
| 12. | Шахрисабз | 4740 | 600 | 200 | 613 | 1017 | 2310 | |
| 13. | Яккабоғ | 6983 | 800 | 100 | 987 | 1865 | 3230 | |
| Жами | | 74860 | 12600 | 10000 | 7500 | 8870 | 35890 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” апрелдаги 258-сон қарорига
2.6-илова

**Навоий вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|--------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Кармана | 7205 | 618 | 43 | 301 | 374 | 5869 | |
| 2. | Конимех | 1550 | 39 | | 15 | 57 | 1439 | |
| 3. | Қизилтепа | 10050 | 444 | 40 | 620 | 760 | 8186 | |
| 4. | Навбаҳор | 8292 | 359 | 144 | 549 | 289 | 6951 | |
| 5. | Нурота | 1283 | | | 102 | 110 | 1071 | |
| 6. | Хатирчи | 12581 | 540 | 285 | 710 | 2056 | 8990 | |
| Жами | | 40961 | 2000 | 512 | 2297 | 3646 | 32506 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.7-илова

**Наманган вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | гаектар |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|---------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Мингбулоқ | 11841 | 150 | 2990 | 89 | 278 | 8334 | |
| 2. | Косонсой | 10212 | 1170 | 1029 | 468 | 1142 | 6403 | |
| 3. | Наманган | 6212 | 600 | | 140 | 518 | 4954 | |
| 4. | Норин | 5114 | | 237 | 12 | 374 | 4490 | |
| 5. | Поп | 15550 | 1180 | 3100 | 223 | 793 | 10251 | |
| 6. | Тўракўргон | 7603 | 1410 | 139 | 1 | 999 | 5054 | |
| 7. | Уйчи | 7832 | 150 | 670 | 44 | 741 | 6227 | |
| 8. | Учқўргон | 7792 | 500 | | 180 | 333 | 6780 | |
| 9. | Чорток | 6957 | 350 | 683 | 30 | 1961 | 3933 | |
| 10. | Чуст | 14608 | 1750 | 2446 | 4 | 1899 | 8510 | |
| 11. | Янгикўргон | 14237 | 940 | | 46 | 8529 | 4724 | |
| Жами | | 107959 | 8200 | 11294 | 1237 | 17568 | 69660 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.8-илова

**Самарқанд вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | гаектар |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|---------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан кисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган кисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Булунгур | 16263 | 230 | | 6519 | 3251 | 6263 | |
| 2. | Жомбой | 18014 | 350 | | 7829 | 785 | 9050 | |
| 3. | Иштихон | 10014 | 944 | 326 | 2345 | 2195 | 4204 | |
| 4. | Каттакўргон | 12334 | 1710 | 505 | 4011 | 1242 | 4866 | |
| 5. | Нарпай | 10289 | 511 | 396 | 3715 | 296 | 5371 | |
| 6. | Нуробод | 7255 | 1902 | | 3993 | 187 | 1173 | |
| 7. | Оқдарё | 15559 | 1996 | 260 | 3059 | 1099 | 9145 | |
| 8. | Пастдарғом | 18330 | 1675 | 715 | 4228 | 1715 | 9997 | |
| 9. | Пахтачи | 8345 | 734 | 495 | 2496 | 399 | 4221 | |
| 10. | Пайариқ | 13309 | 1288 | 523 | 1345 | 1753 | 8400 | |
| 11. | Самарқанд | 8008 | 400 | | 2098 | 2365 | 3145 | |
| 12. | Тайлоқ | 9716 | 230 | | 2558 | 1707 | 5220 | |
| 13. | Ургут | 10378 | 230 | | 3582 | 2882 | 3684 | |
| 14. | Кўшработ | 2344 | | | 1903 | 443 | | |
| Жами | | 160159 | 12200 | 3220 | 49681 | 20318 | 74739 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.9-илова

**Сурхондарё вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Ангор | 7722 | 2150 | 950 | 1225 | 431 | 2966 | |
| 2. | Бойсун | 1286 | 500 | | 70 | 551 | 165 | |
| 3. | Денов | 11502 | 750 | 1052 | 316 | 1621 | 7764 | |
| 4. | Жарқўрғон | 11663 | 2375 | 878 | 276 | 715 | 7419 | |
| 5. | Қизириқ | 19527 | 4675 | 3105 | 2196 | 838 | 8713 | |
| 6. | Кумкўрғон | 10257 | 1475 | 870 | 296 | 1132 | 6484 | |
| 7. | Музробот | 16299 | 3600 | 3131 | 3003 | 249 | 6316 | |
| 8. | Олтинсой | 8237 | 1050 | 419 | 510 | 3652 | 2606 | |
| 9. | Сариосиё | 5344 | 1175 | 1264 | 401 | 1146 | 1357 | |
| 10. | Термиз | 7392 | 3075 | 823 | 543 | 395 | 2557 | |
| 11. | Узун | 5463 | 1450 | 755 | 573 | 649 | 2036 | |
| 12. | Шеробод | 15415 | 4000 | 2553 | 2064 | 597 | 6200 | |
| 13. | Шўрчи | 6589 | 1525 | 422 | 30 | 609 | 4003 | |
| Жами | | 126696 | 27800 | 16222 | 11503 | 12585 | 58586 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.10-илова

**Сирдарё вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

гаектар

| Т/р | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон |
| 1. | Боёвут | 15851 | 700 | 3500 | | 451 | 11200 |
| 2. | Гулистон | 11975 | 1400 | 3000 | 161 | 215 | 7200 |
| 3. | Мирзаобод | 6851 | 5200 | 1300 | 34 | 317 | |
| 4. | Оқолтин | 19115 | 1400 | 4100 | 10 | 205 | 13400 |
| 5. | Сардоба | 21503 | 2300 | 3943 | 20 | 538 | 14700 |
| 6. | Сайхунобод | 14522 | 1800 | 1230 | 6 | 286 | 11200 |
| 7. | Сирдарё | 13670 | 1300 | 1513 | 86 | 1373 | 9400 |
| 8. | Ховос | 13262 | 1700 | 1557 | 25 | 579 | 9400 |
| Жами | | 116749 | 15800 | 20143 | 342 | 3964 | 76500 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.11-илова

**Тошкент вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/р | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|---------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Бекобод | 19326 | 1700 | 2200 | 463 | 663 | 14300 | |
| 2. | Бўка | 18537 | 1450 | 1298 | 878 | 693 | 14218 | |
| 3. | Пскент | 10296 | 650 | 247 | 710 | 289 | 8400 | |
| 4. | Юқоричирчик | 14449 | 2400 | | 1078 | 1271 | 9700 | |
| 5. | Паркент | 6530 | 300 | | 559 | 3961 | 1710 | |
| 6. | Ўртачирчик | 13365 | 600 | 861 | 434 | 773 | 10697 | |
| 7. | Оққўргон | 11419 | 500 | 1069 | 573 | 104 | 9173 | |
| 8. | Тошкент | 5057 | | | 2306 | 1288 | 1463 | |
| 9. | Қуйичирчик | 17574 | 1400 | 1750 | 1454 | 1070 | 11900 | |
| 10. | Янгийўл | 12180 | 200 | | 1681 | 2140 | 8159 | |
| 11. | Чиноз | 10423 | 700 | 474 | 919 | 923 | 7407 | |
| 12. | Зангигота | 5034 | 200 | | 2236 | 1342 | 1256 | |
| 13. | Бўстонлиқ | 4612 | 200 | | 644 | 2798 | 971 | |
| 14. | Оҳангарон | 12527 | 400 | | 2201 | 1218 | 8708 | |
| 15. | Қибрай | 7167 | 100 | | 1904 | 2273 | 2888 | |
| Жами | | 168495 | 10800 | 7899 | 18040 | 20806 | 110950 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.12-илова

**Фарғона вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/р | Туман (шаҳар)лар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|-----------------------------|----------------|---|---|--|---|--|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган екин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалик- ларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги екин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий екин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Кувасой шаҳар | 6843 | 500 | | 601 | 3312 | 2430 | |
| 2. | Фарғона шаҳар | 1611 | | | 450 | 401 | 760 | |
| 3. | Бешарик | 11610 | 1020 | 800 | 178 | 1962 | 7650 | |
| 4. | Боғдод | 10957 | 865 | 800 | 261 | 2331 | 6700 | |
| 5. | Бувайда | 8111 | 525 | 420 | 279 | 407 | 6480 | |
| 6. | Дангара | 9793 | 825 | 750 | 120 | 418 | 7680 | |
| 7. | Ёзёвон | 8236 | 605 | 740 | 210 | 481 | 6200 | |
| 8. | Кува | 11398 | 450 | 430 | 492 | 3446 | 6580 | |
| 9. | Олтиариқ | 9803 | 580 | 400 | 490 | 1073 | 7260 | |
| 10. | Кўштепа | 10543 | 1010 | 840 | 165 | 778 | 7750 | |
| 11. | Риштон | 10537 | 655 | 755 | 181 | 2326 | 6620 | |
| 12. | Сўх | 1550 | | | 750 | 800 | | |
| 13. | Тошлоқ | 6608 | 565 | 345 | 236 | 802 | 4660 | |
| 14. | Ўзбекистон | 9502 | 475 | 450 | 350 | 3087 | 5140 | |
| 15. | Учкўприк | 9149 | 615 | 410 | 325 | 1049 | 6750 | |
| 16. | Фарғона | 10568 | 665 | 620 | 644 | 4160 | 4480 | |
| 17. | Фурқат | 7501 | 445 | 360 | 298 | 138 | 6260 | |
| Жами | | 144321 | 9800 | 8120 | 6030 | 26971 | 93400 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
2.13-илова

**Хоразм вилоятида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган майдонлар
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/р | Туманлар номи | Жами майдон | Шундан | | | | | <i>гаектар</i> |
|-------------|---------------|--------------|---|---|--|--|---|----------------|
| | | | 2016-2018 йилларда пахта ва ғалладан қисқарган экин майдони | Ҳосилдорлик 15 центнердан кам бўлган қисқарадиган пахта майдони | Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг экин майдони | Боғ ва ток қатор орасидаги экин майдони (интенсив боғлардан ташқари) | Такрорий экин экиладиган ғалладан бўшайдиган майдон | |
| 1. | Боғот | 5756 | 690 | 265 | 710 | 751 | 3340 | |
| 2. | Гурлан | 5198 | 150 | 441 | 384 | 463 | 3760 | |
| 3. | Кўшкўпир | 5518 | 450 | 599 | 568 | 446 | 3455 | |
| 4. | Урганч | 6240 | 635 | 515 | 812 | 528 | 3750 | |
| 5. | Хазорасп | 6366 | 745 | 457 | 771 | 548 | 3845 | |
| 6. | Хонқа | 5694 | 290 | 384 | 580 | 540 | 3900 | |
| 7. | Хива | 4864 | 620 | 233 | 875 | 606 | 2530 | |
| 8. | Шовот | 5917 | 793 | 439 | 1004 | 381 | 3300 | |
| 9. | Янгиариқ | 3454 | 500 | 242 | 528 | 384 | 1800 | |
| 10. | Янгибозор | 5289 | 327 | 468 | 533 | 441 | 3520 | |
| Жами | | 54296 | 5200 | 4043 | 6765 | 5088 | 33200 | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
3-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Худудлар номи | Жами сабзабот | шундан | | | | | | | | | | | | Жами полиз | шундан | | | |
|-------------|------------------------------|---------------|--------------|-------------|--------------|--------------|--------------|-------------|---------------|-----------------|-----------------|-------------|-------------|------------|--------------------|--------------|--------------|--------------|-------------|
| | | | номидор | бодринг | ниёз | сабзи | карарм | лавлаги | саримсоқ-ниёз | булгур каламини | аччик каламинир | баклажон | кўкчаглар | брокколи | бончка сабзавотлар | ковун | тарвуз | қовок | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 12547 | 2079 | 340 | 825 | 895 | 829 | 80 | 18 | 166 | 7000 | 108 | 25 | | 182 | 6000 | 2668 | 2382 | 950 |
| 2. | Андижон | 6782 | 726 | 190 | 1435 | 126 | 351 | | 1025 | 862 | 793 | 646 | 388 | | 240 | 961 | 242 | 642 | 77 |
| 3. | Бухоро | 5282 | 1260 | 381 | 1110 | 1010 | 483 | 91 | 122 | 45 | 300 | 24 | 125 | | 331 | 691 | 242 | 269 | 180 |
| 4. | Жиззах | 5830 | 422 | 365 | 1754 | 864 | 230 | 212 | 322 | 216 | 910 | 66 | 120 | 100 | 249 | 5337 | 3508 | 1455 | 374 |
| 5. | Қашқадарё | 7500 | 1109 | 366 | 300 | 100 | | 10 | 50 | 255 | 5100 | 40 | 16 | 154 | | 2695 | 1160 | 1210 | 325 |
| 6. | Навоий | 2297 | 386 | 176 | 413 | 226 | 44 | 153 | 53 | 25 | 20 | 10 | 116 | | 675 | 82 | 23 | 59 | |
| 7. | Наманган | 7876 | 1521 | 170 | 1392 | 793 | 210 | | 818 | 1174 | 1213 | 226 | 334 | | 25 | 1867 | 1393 | 474 | |
| 8. | Самарқанд | 13973 | 3586 | 475 | 1319 | 915 | 765 | 288 | 1258 | 2697 | 1500 | 274 | 327 | | 570 | 1213 | 210 | 451 | 552 |
| 9. | Сурхондарё | 11503 | 2156 | 290 | 1018 | 507 | 3546 | 81 | | 80 | 722 | 58 | 2897 | | 148 | 3176 | 510 | 2580 | 86 |
| 10. | Сирдарё | 5516 | 593 | 515 | 1447 | 908 | 562 | 176 | 96 | 164 | 400 | 154 | 276 | | 225 | 15585 | 9732 | 3328 | 2525 |
| 11. | Тошкент | 25841 | 3478 | 2120 | 4625 | 2278 | 3016 | 722 | 705 | 1396 | 2260 | 523 | 1774 | | 2944 | 3069 | 809 | 1300 | 960 |
| 12. | Фарғона | 11100 | 1931 | 1101 | 1952 | 1754 | 771 | 238 | 399 | 443 | 1500 | 343 | 667 | | | 3700 | 1160 | 1568 | 972 |
| 13. | Хоразм | 6765 | 1675 | 553 | 1727 | 1607 | 378 | 109 | 124 | 67 | 220 | 106 | 89 | | 110 | 5391 | 2121 | 2461 | 809 |
| Жами | | 122812 | 20922 | 7042 | 19317 | 11983 | 11185 | 2160 | 4990 | 7590 | 21938 | 2578 | 7154 | 254 | 5699 | 49767 | 23778 | 18179 | 7810 |

давоми

| Т/р | Худудлар номи | Картошка | Дук-какли | шундан | | | | | Мойли экинлар | шундан | | Шоли | Бошқалар | Янги боф, ток жами | шундан | | |
|-------------|------------------------------|--------------|--------------|--------------|-------------|--------------|-------------|--------------|---------------|--------------|--------------|---------------|--------------|--------------------|--------------|-------------|-------------|
| | | | | мөш | ловия | нүхот | ерёғок | фасол | | соя | кунжут | | | | интенсив боф | токзор | тутзор |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 1822 | 606 | 606 | | | | | 9933 | 1500 | 8433 | 52000 | 7465 | 824 | 124 | 400 | 300 |
| 2. | Андижон | 3200 | 3697 | 1228 | 125 | 450 | | 1894 | 1600 | 1600 | | 3000 | 3010 | 870 | 358 | 212 | 300 |
| 3. | Бухоро | 1100 | | | | | | | 2000 | 2000 | | | 752 | 680 | 280 | 100 | 300 |
| 4. | Жиззах | 3000 | 5438 | 1638 | 321 | 2310 | | 1169 | 1500 | 1500 | | | 6311 | 1648 | 453 | 895 | 300 |
| 5. | Қашқадарё | 3400 | 6860 | | 50 | 6510 | 300 | | 4118 | 2200 | 1918 | | 929 | 1100 | 300 | 500 | 300 |
| 6. | Навоий | 600 | 277 | | | 277 | | | 890 | 700 | 190 | | 953 | 913 | 200 | 513 | 200 |
| 7. | Наманган | 2700 | 9397 | 3771 | | 524 | 221 | 4881 | 2188 | 1900 | 288 | 2008 | 7439 | 900 | 400 | 200 | 300 |
| 8. | Самарқанд | 7350 | 4454 | | | 4454 | | | 1000 | 1000 | | | 2613 | 7439 | 4575 | 2564 | 300 |
| 9. | Сурхондарё | 2000 | 3422 | 1116 | 75 | 869 | 1341 | 21 | 1200 | 1200 | | 1600 | 2923 | 3200 | 2700 | 300 | 200 |
| 10. | Сирдарё | 1000 | 7968 | 133 | 720 | 7115 | | | 800 | 800 | | 7000 | 5678 | 827 | 300 | 327 | 200 |
| 11. | Тошкент | 7150 | 12495 | 7733 | 521 | 1902 | | 2339 | 3722 | 2000 | 1722 | 5600 | 1010 | 3100 | 1100 | 1600 | 400 |
| 12. | Фарғона | 3000 | 6450 | 3175 | 1850 | | | 1425 | 1500 | 1500 | | 3000 | 1000 | 1110 | 400 | 410 | 300 |
| 13. | Хоразм | 2400 | 4771 | 4715 | | | | 56 | 1645 | 600 | 1045 | 30000 | 101 | 500 | 100 | 200 | 200 |
| Жами | | 38722 | 65835 | 24115 | 3662 | 24411 | 1862 | 11785 | 32096 | 18500 | 13596 | 104208 | 40184 | 23111 | 11290 | 8221 | 3600 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” апрелдаги 258-сон қарорига
3.1-илова

**Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилда асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| Т/р | Туманлар номи | Жами сабзавот, га | шундан | | | | | | | | | | | | Жами полиз, га | шундан | | | | |
|-------------|---------------|-------------------|-------------|------------|------------|------------|------------|-----------|---------------|------------|-------------|------------|-----------|----------|----------------|------------|-------------------|-------------|-------------|------------|
| | | | помидор | бодринг | пиёз | сабзи | карам | лавлаги | саримсок-пиёз | булгур | каламнири | аччик | каламнир | баклажон | кўйлаглар | брокколи | башка сабзавотлар | ковун | тарвуз | ковок |
| 1. | Тўрткўл | 1720 | 131 | 60 | 96 | 104 | 92 | | 18 | | 1200 | | | 7 | | 13 | 451 | 204 | 181 | 65 |
| 2. | Беруний | 2860 | 155 | 20 | 81 | 98 | 128 | | | 10 | 2340 | | | 6 | | 22 | 400 | 180 | 160 | 60 |
| 3. | Элликкальба | 1710 | 120 | 29 | 92 | 105 | 133 | | | 10 | 1200 | | | 6 | | 15 | 400 | 180 | 160 | 60 |
| 4. | Амударё | 1710 | 150 | 25 | 80 | 102 | 132 | | | | 1200 | | | 6 | | 14 | 450 | 203 | 180 | 68 |
| 5. | Тахиатош | 140 | 15 | 2 | 10 | 10 | 15 | | | | 85 | | | | | 3 | 63 | 27 | 20 | 15 |
| 6. | Хўжайли | 405 | 80 | 15 | 22 | 30 | 50 | 15 | | 60 | 130 | | | | | 3 | 307 | 107 | 110 | 90 |
| 7. | Шуманай | 300 | 78 | 8 | 50 | 15 | 5 | 15 | | 25 | 100 | | | | | 4 | 300 | 135 | 120 | 45 |
| 8. | Қонликўл | 270 | 35 | 10 | 12 | 36 | 40 | | | 31 | 100 | | | | | 6 | 350 | 157 | 140 | 53 |
| 9. | Кўнғирот | 470 | 135 | | 87 | 21 | 65 | 15 | | | 100 | | | | | 47 | 450 | 202 | 180 | 68 |
| 10. | Нукус | 1785 | 900 | 118 | 150 | 234 | 120 | | | 30 | 210 | 8 | | | | 14 | 1420 | 639 | 568 | 213 |
| 11. | Кегейли | 330 | 70 | 30 | 50 | 34 | 20 | 10 | | | 90 | | | | | 26 | 350 | 157 | 140 | 53 |
| 12. | Чимбой | 335 | 75 | 7 | 46 | 31 | 29 | | | | 95 | 50 | | | | 2 | 350 | 158 | 140 | 53 |
| 13. | Қораўзак | 250 | 45 | 8 | 26 | 29 | | 10 | | | 100 | 30 | | | | 2 | 350 | 157 | 140 | 53 |
| 14. | Тахтакўпир | 200 | 75 | 4 | 10 | 31 | | 9 | | | 50 | 20 | | | | 1 | 250 | 113 | 100 | 38 |
| 15. | Мўйноқ | 63 | 15 | 4 | 13 | 15 | | 6 | | | | | | | | 10 | 108 | 49 | 43 | 16 |
| Жами | | 12547 | 2079 | 340 | 825 | 895 | 829 | 80 | 18 | 166 | 7000 | 108 | 25 | | | 182 | 6000 | 2668 | 2382 | 950 |

| Т/п | Туманлар номи | Картошка, га | Дук-какли, га | шундан | | | | | Мойили экинлар, га | шундан | | Шоли, га | Бошқалар, га | Янги бөг, га | шу жумладан | | |
|-------------|---------------|--------------|---------------|------------|-------|-------|----------|-------|--------------------|-------------|-------------|--------------|--------------|--------------|--------------|------------|------------|
| | | | | моч | ловия | нүхот | еренинок | фасол | | соя | кунжут | | | | интенсив бөг | токазор | тутзор |
| 1. | Түрткүл | 250 | 90 | 90 | | | | | 591 | 150 | 441 | 1910 | 328 | 101 | 21 | 50 | 30 |
| 2. | Беруний | 250 | 50 | 50 | | | | | 589 | 200 | 389 | 760 | 201 | 92 | 17 | 45 | 30 |
| 3. | Элликқалъя | 250 | 85 | 85 | | | | | 613 | 200 | 413 | 1530 | 321 | 90 | 20 | 45 | 30 |
| 4. | Амударё | 150 | | | | | | | 525 | 150 | 375 | 1600 | 417 | 100 | 20 | 50 | 30 |
| 5. | Тахиатош | 82 | 25 | 25 | | | | | 137 | | 137 | 830 | 240 | 53 | 5 | 28 | 20 |
| 6. | Хұжайли | 50 | 5 | 5 | | | | | 695 | 200 | 495 | 2860 | 703 | 22 | 5 | 7 | 10 |
| 7. | Шуманай | 50 | 84 | 84 | | | | | 978 | 100 | 878 | 3950 | 453 | 60 | 5 | 25 | 30 |
| 8. | Қонликүл | 110 | 55 | 55 | | | | | 855 | 100 | 755 | 6400 | 765 | 48 | 3 | 15 | 30 |
| 9. | Құнғырот | 110 | 58 | 58 | | | | | 855 | 100 | 755 | 5650 | 402 | 18 | 3 | 15 | |
| 10. | Нұкус | 120 | | | | | | | 1166 | 250 | 916 | 5820 | 409 | 65 | 5 | 30 | 30 |
| 11. | Кегейли | 100 | 75 | 75 | | | | | 731 | | 731 | 2500 | 372 | 67 | 7 | 30 | 30 |
| 12. | Чимбай | 100 | 4 | 4 | | | | | 859 | | 859 | 6270 | 691 | 60 | 5 | 25 | 30 |
| 13. | Кораўзак | 100 | 30 | 30 | | | | | 886 | 25 | 861 | 5780 | 970 | 18 | 3 | 15 | |
| 14. | Тахтакүпір | 100 | 45 | 45 | | | | | 453 | 25 | 428 | 5780 | 872 | 25 | 5 | 20 | |
| 15. | Мүйиноқ | | | | | | | | | | | 360 | 321 | | | | |
| Жами | | 1822 | 606 | 606 | | | | | 9933 | 1500 | 8433 | 52000 | 7465 | 824 | 124 | 400 | 300 |

Изөх: бодринг, сабзи, карам ва құқат әкинлари ўрнига иккинчи марта кечки әкинлар әкілади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 258-сон қарорига
3.2-илова

**Андижон вилоятида 2018 йилда асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| Т/р | Туманлар номи | Жами сабзавот, га | шундан | | | | | | | | | | | | Жами полиз, га | шундан | | | |
|-------------|---------------|-------------------|------------|------------|-------------|------------|------------|---------|--------------|------------------|-----------------|------------|------------|----------|--------------------|------------|------------|------------|-----------|
| | | | помидор | бодринг | пич | сағзи | карарм | лавлаги | саримсок-пич | булгур каламнири | аччик қаламнири | баклажон | кўкатлар | брокколи | боника сабзавотлар | ковун | тарвуз | ковок | |
| 1. | Андижон | 610 | 63 | 14 | 200 | 20 | 16 | | 147 | 5 | 98 | 7 | 22 | | 18 | 44 | 13 | 21 | 10 |
| 2. | Асака | 2456 | 198 | | 282 | | 174 | | 371 | 772 | 110 | 527 | 22 | | | 88 | 44 | 44 | |
| 3. | Балиқчи | 215 | 72 | | 20 | 15 | 6 | | 20 | 5 | 47 | 6 | 6 | | 18 | 51 | 15 | 30 | 6 |
| 4. | Булоқбоши | 282 | 22 | 7 | 43 | 2 | 7 | | 54 | 3 | 40 | 3 | 12 | | 89 | 9 | 3 | 6 | |
| 5. | Бўз | 128 | 5 | 4 | 4 | 5 | 14 | | 14 | 3 | 45 | 4 | 24 | | 6 | 50 | 8 | 33 | 9 |
| 6. | Жалолқудук | 587 | 45 | 33 | 192 | 8 | 2 | | 95 | 6 | 110 | 8 | 50 | | 38 | 34 | 9 | 18 | 7 |
| 7. | Избоскан | 381 | 46 | 17 | 95 | 25 | 15 | | 105 | 4 | 28 | 5 | 34 | | 7 | 56 | 18 | 36 | 2 |
| 8. | Улуғнор | 339 | 15 | 33 | 112 | 3 | 40 | | 20 | 8 | 30 | 11 | 63 | | 4 | 484 | 87 | 362 | 35 |
| 9. | Марҳамат | 161 | 10 | 5 | 23 | 10 | 20 | | 22 | 2 | 49 | 3 | 10 | | 7 | 15 | 4 | 8 | 3 |
| 10. | Олтинқўл | 46 | 24 | 10 | | 1 | 2 | | 2 | 4 | 2 | | | | 1 | 8 | 2 | 6 | |
| 11. | Пахтаобод | 329 | 24 | 9 | 143 | 3 | 3 | | 55 | 6 | 50 | 8 | 26 | | 2 | 26 | 9 | 12 | 5 |
| 12. | Хўжаобод | 619 | 51 | 20 | 234 | 12 | 36 | | 90 | 29 | 34 | 37 | 46 | | 30 | 25 | 10 | 15 | |
| 13. | Шаҳрихон | 190 | 65 | 7 | 27 | 4 | 1 | | 5 | 3 | 50 | 4 | 19 | | 5 | 56 | 18 | 38 | |
| 14. | Кўргонтепа | 439 | 86 | 31 | 60 | 18 | 15 | | 25 | 12 | 100 | 23 | 54 | | 15 | 15 | 2 | 13 | |
| Жами | | 6782 | 726 | 190 | 1435 | 126 | 351 | | 1025 | 862 | 793 | 646 | 388 | | 240 | 961 | 242 | 642 | 77 |

| Т/р | Туманлар номи | Картошка, га | Дуккакли, га | шундан | | | | | Мойли экинлар, га | шундан | | Шоли, га | Бошқалар, га | Янги бөғ, га | шу жумладан | | |
|-------------|---------------|--------------|--------------|-------------|------------|------------|--------|-------------|-------------------|-------------|--------|-------------|--------------|--------------|-------------|------------|------------|
| | | | | мөш | ловия | нүхот | ерёңок | фасол | | соя | кунжут | | | | ловия | нүхот | ерёңок |
| 1. | Андижон | 133 | 173 | 66 | | | | 107 | 300 | 300 | | 540 | 28 | 103 | 30 | 53 | 20 |
| 2. | Асака | 550 | 284 | | | | | 284 | 500 | 500 | | 263 | 172 | 41 | 6 | 15 | 20 |
| 3. | Балиқчи | 200 | 125 | 35 | | | | 90 | 9 | 9 | | 52 | 29 | 65 | 40 | 5 | 20 |
| 4. | Булоқбоши | 190 | 36 | 15 | | | | 21 | | | | | 33 | 55 | 25 | 10 | 20 |
| 5. | Бўз | 22 | 787 | 270 | 40 | 200 | | 277 | 21 | 21 | | | | 75 | 30 | 16 | 29 |
| 6. | Жалолқудук | 635 | 754 | 200 | 70 | 250 | | 234 | 250 | 250 | | 425 | 182 | 98 | 30 | 27 | 41 |
| 7. | Избоскан | 143 | 44 | 38 | | | | 6,3 | 50 | 50 | | 270 | 28 | 55 | 25 | 10 | 20 |
| 8. | Улуғнор | 22 | 297 | | | | | 297 | | | | 400 | 1470 | 57 | 15 | 12 | 30 |
| 9. | Марҳамат | 56 | 224 | 109 | | | | 115 | | | | | 206 | 86 | 43 | 18 | 25 |
| 10. | Олтинкўл | 100 | | | | | | | 7 | 7 | | | 28 | 23 | 15 | 8 | |
| 11. | Пахтаобод | 96 | 175 | 76 | | | | 99 | 100 | 100 | | 650 | 207 | 48 | 20 | 8 | 20 |
